



**ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
БИЛИМЛИ, ЕТУК МАЛАКАГА ЭГА БЎЛИШЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ**

Абдурахимов Бобир Бокижон уғли

Наманган давлат университети ўқитувчиси
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7787614>

ARTICLE INFO

Received: 22th March 2023

Accepted: 30th March 2023

Online: 31th March 2023

KEY WORDS

Интерактив методлар - бу жамоа бўлиб фикрлаш демакдир. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради.

ABSTRACT

Ushbu maqola ingliz va o'zbek tilshunosligidagi matnning kommunikativ xususiyatlari hamda shu sohada faoliyat yuritgan olimlarning fikr-mulohazalariga bag'ishlangan. Muallif ikki til doirasidagi murojaatning leksik-semantik xususiyatlarini ochib berishga harakat qiladi. Kalit so'zlar: matn, badiiy matn, kommunikativlik, matn tilshunosligi.

Ҳозирги кунда таълим муассасаларида инновацион технологияларни таълим-тарбия жараёнида қўллашга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинганлигидир. Замонавий инновацион технологиялар эса уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиб, таҳлил қилиш, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришга ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради.

Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади. Шунинг учун таълим муассасаларида ўқувчиларнинг билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлашда инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади.

Интерактив методлар - бу жамоа бўлиб фикрлаш демакдир. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг ҳамкорликда фаолият



кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради: [1]

- ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

- ўқувчиларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминланиши;

- ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;

- ҳаммаша педагог ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши. Инновацион технологиянинг энг асосий негизи ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга оғлиқ.

Ўқитиш жараёнида қўйилган мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчилар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса чиқара олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳобера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олсагина самара бериши мумкин.

Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги инновацион технология – бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқувчининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда маълум бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёнدير. Қўйилган мақсадни амалга ошириш ва кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танланган мазмун, метод, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ. Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликда мақсаддан натижага эришиш учун қандай технологияни танлашлари уларнинг ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ: натижага эришишга қаратилган. [2.Б.87]

Бунда ўқувчиларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади. Буларнинг қай бирини танлаш ўқитувчи ва ўқувчига боғлиқ. Шу билан бир қаторда ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириб олиш зарур. Бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, ўқитишнинг техник воситаларини, энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишни ҳисобга олсагина, керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчи томонидан бўлажак дарснинг технологик картасини тузиб олиш катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик картаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган фаннинг хусусиятидан, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Бундай технологик картани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий



методика, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методлар ва усулларни билиши керак бўлади. [3.Б.54]

Муסיқа дарсларида “Блиц-ўйин” технологиясидан фойдаланиш. Ушбу технология ўқувчиларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган. Ушбу технология давомида ўқувчилар ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга ўткази оладилар, чунки бу технология шунга тўлиқ шарот яратиб беради. Ушбу технология ўқувчиларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал якка ҳолда мустақил равишда белгилаб, сўнгра ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш ёки фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфикр бўли олишга ёрдам беради. Қуйида биз “Ноталар” мавзуси мисолида муסיқа назарияси дарсларида “Блиц-ўйин” технологиясини қўллаш бўйича ўз тавсияларимизни баён қилмоқчимиз (ҳар бир ўқитувчи ўтаётган ёки ўтган мавзуси асосида блиц-ўйин шаклидан фойдаланиб, ўйин мазмунини ишлаб чиқиши мумкин).

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1-босқичда:- ўқитувчи ушбу дарс бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида ўқувчиларга тушунча беради. Ҳар босқичдаги вазифани бажаришга аниқ вақт берилиши, ўқувчилар эса шу вақтдан унумли фойдаланишлари кераклиги ҳақида уларни огоҳлантиради. [4.Б.95]

2-босқичда:- ўқитувчи ҳамма ўқувчиларга қуйидаги шаклда алоҳида-алоҳида тарқатма материал беради:

“Ноталар кетма-кетлигини тартибланг”

Гуруҳ Баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	Ҳаракатлар мазмун
					Ре
					Соль
					До
					Ля
					Фа
					Си
					Ми

3-босқичда:- ўқувчилардан ушбу материални синчиклаб ўрганиб чиқишларини сўрайди;

- ўқитувчи тарқатма материал мазмуни ва бажариладиган вазифани тушунтиради, яъни тарқатма материалда берилган маълум бир сондаги (мисол учун 7 та) ҳаракатнинг кетма-кетлигини тўғри белгилаш кераклиги, белгини эса 10 қоғоздаги алоҳида ажратилган бўлимга рақамлар билан белгилаш кераклигини тушунтиради.

4-босқичда:- ўқитувчи қўйилган вазифа аввал якка тартибда бажарилишини, яъни ҳар бир ўқувчи ўз тарқатма материалидаги “Якка баҳо” устунини тўлдирishi лозимлигини айтади.



5-босқичда:- ўқитувчи биринчи берилган вазифани ҳар бир ўқувчи томонидан якка тартибда бажарилишини кузатади, қийналганларга ёрдам беради ёки қайтадан тушунтиради; - ҳар бир ўқувчи ўз тарқатма материалидаги “Якка баҳо” устунига шу ерда берилган ҳаракатлардан ўзининг шахсий фикри асосида мантиқий кетмакетлигини рақамлар билан белгилаб чиқади, яъни берилган 7 ҳаракатдан унинг фикрича қайси бири, биринчи бўлиши, қайси бири эса иккинчи бўлишини ва ҳоказо. Бу вазифани бажариш учун ўқитувчи ўқувчиларга 3 дақиқа вақт беради. [5.Б.77]

6-босқичда:- ўқитувчи ўқувчилардан 3 кишидан иборат кичик гуруҳлар ташкил этишларини сўрайди (3 кишилиқ гуруҳлар ўқувчиларнинг хоҳишларига қараб ёки рақамлар бўйича ташкил этилиши мумкин); - кичик гуруҳларда ўқувчиларнинг ҳар бири ўз тарқатма материалидаги “Якка баҳо” бўлимида белгиланган ҳаракатлар кетмакетлиги билан бирбирларини таништирадilar, кейин 3 кишида уч хил бўлган кетмакетликни биргалашиб, бир-бирлари билан тортишиб, баҳслашиб, бир-бирларига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириб келишган ҳолда бир муқим қарорга келиб, уларга тарқатилган қоғоздаги “Гуруҳ баҳоси” устунига рақамлар билан белгилаб чиқадилар.

- ўқитувчи кичик гуруҳдаги тортишувларда иштирок этмайди, фақат кичик гуруҳлар ва ҳар бир ўқувчи фаолиятини кузатади. Бу вазифани бажариш учун 5 дақиқа вақт берилади.

7-босқичда: - барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, ўқитувчи ҳаракатлар кетмакетлиги бўйича тўғри жавобни беради, яъни ўқувчилардан уларга тарқатилган қоғозлардан “Тўғри жавоб” устунини топишни ва унга ўқитувчи томонидан айтилган ҳаракатлар кетма-кетлигининг рақамларини қуйидаги тартибда ёзишни сўрайди: Ҳар бир дарснинг рангбаранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик картасига боғлиқ. [6.Б.65-66]

Дарснинг технологик картасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик карта қандай тузилган бўлмасин, унда жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик картада дарс жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

Қуйида мусиқа назарияси фанидан 3-синфларда “Интерваллар” мавзуси бўйича ўтказиладиган дарснинг олдиндан лойиҳалаштирилган технологик картасини мисол тариқасида келтирилмоқда. Ўқитиш жараёнида ўқувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли инновацион технологиялар ҳамда замонавий методларнинг қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашишга йўналтиради, энг асосийси, уларнинг ўқишга, фанга бўлган қизиқишларини кучайтиради. [7.Б.105]

Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма-хилдир. Биз улардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтдик ва уларни ўтказиш тартиби ҳамда йўлланма бердик. Ушбу методик кўрсатмада баён этилган инновацион технологиялар ўқувчиларда мантиқий, ақлий, ижобий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, ижобий



фазилатларни тарбиялашга ва уларнинг қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Ушбу методик кўрсатмадан фойдаланувчилар ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳавола этилган технологияларни худди шу тартибда ўтказишлари шарт эмас, ҳар қайси ўқитувчи бу технологияларнинг умумий шаклини олган ҳолда ўзларининг дарс технологияларини яратишлари, берилган технологиялардан тўлиқ ёки уларнинг баъзи бир босқичлари, элементларидан фойдаланишлари мумкин.

References:

1. Мусиқа маданияти фанидан Давлат таълим стандарти. –Т.: “Маърифат Пресс”, 2010.
2. Мусиқа маданияти фанидан ўқув дастури. –Т.: “Маърифат-Пресс”, 2010.
3. Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган Давлат талаблари. –Т.: Халқ таълими вазирлиги, 2011.
4. И.А.Акбаров. Мусиқа луғати. –Т.: “Ўқитувчи”, 1987.
5. В.А.Вахромеев. Мусиқанинг элементар назарияси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1980.
6. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.: ТДПУ, 2004.
6. Толипов Ў.Қ. Педагогик технология асослари. – Т.: “Мактаб ва ҳаёт” журналига илова, 11(035)-нашр, 2003.